

К.У. Орзибеков,
мустақил изланувчи, БМА

ИННОВАЦИОН ФАОЛИЯТНИ СОЛИҚЛАР ВОСИТАСИДА РАҒБАТЛАНТИРИШНИНГ ИЛҒОР ТАЖРИБАЛАРИ ВА УЛАРНИ ЎЗБЕКИСТОН ШАРОИТИДА ҚЎЛЛАШ МАСАЛАЛАРИ

В данной статье приведен зарубежный опыт налогового стимулирования инновационной деятельности. Также в статье приведены налоговые льготы для субъектов инновационной деятельности в нашей республике и изложены предложения по совершенствованию налоговых механизмов для стимулирования инновационной активности.

This article provides an international experience of tax incentives for innovation. The article also shows the tax incentives for the subjects of innovation in our country and set out proposals to improve the tax mechanisms to stimulate innovative activity.

Калитли сўзлар: инновация, инновацион фаолият, модернизация ва янги технологиялар жамгармаси, илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишлари, солиқ имтиёзи, солиқ ставкаси, солиқ механизми.

Жаҳонда давом этаётган глобал молиявий инқироз шароитида Ўзбекистон иқтисодиётининг рақобатбардошлиги биринчи навбатда маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг инновацион фаоллигига боғлиқ. Бугунги кунда инновация жараёнларига тўсиқ бўлувчи сабабни солиққа тортиш механизмларининг мукамал эмаслиги билан изоҳлаш мумкин. Чунки амалдаги солиқ қонунчилигида хўжалик субъектларнинг илмий-тадқиқот ва инновацион фаолиятини рағбатлантиришга қаратилган солиқ механизмлари деярли мавжуд эмас.

Солиқ юкининг боқичма-босқич пасайтирилиши, солиққа тортиш тизимини соддалаштирилиши, солиқ имтиёзларининг жорий этилиши мамлакатимизда қулай ишбилармонлик муҳитини шакллантиришга хизмат қилаётган бўлса, бундай чоралар хўжалик субъектларнинг инновацион фаоллигини жадаллаштиришга самарали таъсир кўрсатаётгани йўқ. Маҳаллий ишлаб чиқарувлар асосан солиқ ставкаларининг пасайтирилиши ва солиқ имтиёзлари берилишини натижасида иқтисод қилинган маблағлардан ишлаб чиқаришни модернизациялаш, маҳаллийлаштириш, янги технологик ускуна, хомашё харид қилиш ёки айланма маблағларни кўпайтириш мақсадида фойдаланмоқдалар.


Профессор Ш.Тошматовнинг фикрича охириги йилларда солиқ сиёсатида кўпроқ кичик тадбиркорлик субъектларини рағбатлантириш ва корхоналарнинг инвестицион фаолиятини ривожлантиришга устуворлик берилмоқда[1]. Юқоридаги амалга оширилган тадбирлар кичик бизнес субъектларининг мамлакат ялпи ички маҳсулотидаги улуши кескин ошишига ва корхоналар ихтиёрида қоладиган фойданинг ўсишига эришилди ҳамда корхонанинг

инвестицияга йўналтирадиган маблағларини кўпайтирди. Бизнинг фикримизча, бундай чоралар корхоналарнинг инвестицион фаоллигини оширишда самара бераётган бўлса, бироқ улар хўжалик субъектларнинг инновацион, илмий-тадқиқот фаолиятининг жадаллашишига тўртки бергани йўқ.

Республикамизда инновацион фаолиятни солиқлар воситасида рағбатлантириш масалалари кам ўрганилган. Шунинг таъкидлаш жоизки, “инновация” тушунчаси XX асрнинг 30-йилларида дастлаб австриялик (кейинчалик америкалик) олим Й.Шумпетер томонидан илмий адабиётларга киритилган бўлиб, у иқтисодиётни ривожлантиришнинг муҳим омили бу - инновациялар эканлигини таъкидлаб ўтган[2]. Иқтисод соҳасидаги олим ва тадқиқотчилар “инновация” (инглиз тилида innovation) тушунчасини янгилик, новаторлик билан изоҳлашади. **Инновациялар** – бу истеъмолга киритилган янги ёки янада мукамаллаштирилган маҳсулот (иш, хизмат), тадбиркорлик амалиётини юритиш, иш ўринларини ташкил қилиш ёки ташқи алоқалар ўрнатишнинг янги ташкилий усули ҳисобланади. **Инновацион фаолият** – ижтимоий-иқтисодий самара-дорликни таъминлаш мақсадида янги ёки такомиллаштирилган жараён ва технологияларни қўллашни, янги турдаги маҳсулотлар, ишлар, хизматларни ишлаб чиқишни яратишга қаратилган фаолият деб тушунилади.

Мамлакатимизда инновация жараёнларини жадаллаштиришда 2008 йил 15 июлда Президентимиз томонидан қабул қилинган “Инновацион лойиҳалар ва технологияларни ишлаб чиқаришга татбиқ этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-916-сонли қарори муҳим аҳамият касб этди. Унга асосан барча иқтисодий субъектларда соф фойда ва амортизация ажратмаларнинг бир қисмидан **модернизация ва янги технологиялар жамғармаси** ташкил этилиши белгиланган бўлиб, унинг маблағларидан илмий-амалий тадқиқотларни, инновацион лойиҳаларни, тажриба-конструкторлик ишланмаларини ҳамда уларни ишлаб чиқариш жараёнига татбиқ этишни молиялаштиришда фойдаланилади. Бу соҳани ривожлантириш мақсадида Ҳукуматимиз томонидан яна бир қанча чора-тадбирлар амалга оширилиб келиниб, жумладан 2008 йилдан бошлаб ҳар йили Инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар Ярмаркаси ўтказилиб келинмоқда. Бу соҳани ривожлантиришда қуйидаги вазифаларни амалга ошириш муҳим ҳисобланади (*қаранг расм 1*).

Республикамизда инновацион фаолиятни солиқлар воситасида рағбатлантириш борасида эришилган асосий ижобий натижалардан бирини 2013 йил 1 январдан бошлаб корхона ва ташкилотларда номоддий активлар мол-мулк солиғига тортилмаслиги билан изоҳлаш мумкин. Шунингдек, инновация жараёнларини рағбатлантиришга қаратилган бошқа турдаги солиқ имтиёзлари ва преференциялар амал қилмоқда (*қаранг жадвал 1*).



1-расм. Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида инновацион фаолиятни ривожлантириш вазифалари[3].

1-жадвал

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексида инновацион фаолиятни рағбатлантиришга қаратилган имтиёзлар ҳақида маълумот[4].

Солиқ тури	Имтиёз мазмуни
1	2
Юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи	Солиқ солинадиган фойда ишлаб чиқаришни модернизациялашга, шунингдек ушбу мақсадлар учун олинган кредитларни узишга йўналтириладиган маблағлар суммасига, тегишли солиқ даврида ҳисобланган амортизацияни чегириб ташлаган ҳолда, бироқ солиқ солинадиган фойданинг 30 фоизидан кўп бўлмаган миқдорда камайтиради (159-модда, 3-банд)
Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи	Халқаро ҳамда чет эл ташкилотлари ва фондларидан, шунингдек илмий-техника ҳамкорлиги соҳасидаги Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари доирасида бевосита жисмоний шахс грант берувчидан ёки Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан вакил қилинган фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш бўйича органнинг хулосаси бўлган тақдирда, юридик шахсдан — грант олувчидан олган грант суммасига солиқ солинмайди (179-модда, 18-банд).
Қўшилган қиймат солиғи	Бюджет маблағлари ҳисобидан бажариладиган илмий-тадқиқот ва инновация ишларига солиқ солинмайди (208-модда, 9-банд).
Ер солиғи	Илмий ташкилотларнинг қишлоқ хўжалиги аҳамиятига молик ва ўрмон фондидаги ерлари, қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги соҳасидаги илмий-тадқиқот ташкилотлари ҳамда ўқув юртларига қарашли тажриба, экспериментал ва ўқув-тажриба хўжалиklarининг бевосита илмий ҳамда ўқув мақсадлари учун фойдаланиладиган ер участкалари солиқ тўлашдан озод қилинган (282-модда, 26-банд).

Мазкур жадвал маълумотларидан солиқ қонунчилигида инновация жараёнларини ва илмий-тадқиқот ишларини рағбатлантиришга қаратилган

доимий амал қилувчи солиқ имтиёзлари камлигини, ягона солиқ тўловини қўлловчи кичик тадбиркорлик субъектларининг инновацион фаолиятини рағбатлантиришга қаратилган солиқ механизмлари яратилмаганлигини кўриш мумкин.

Бундан ташқари модернизация ва инновация жараёнларини жадаллаштириш мақсадида солиқ имтиёзлари Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармон ва қарорлари асосида жорий этилган. Хусусан, бугунги кунда республикамизнинг Навоий, Жиззах ва Ангрен воҳаларида ташкил қилинган эркин иқтисодий-индустриал зоналари иштирокчиларига ҳам бир қатор солиқ енгилликлари яратилган. Шу билан бирга Президентимизнинг 2011 йил 26 октябрдаги ПҚ-1631-сон қарорига асосан ёш олим ва тадқиқотчиларни инновацион фаолиятга кенг жалб қилиш мақсадида Буюк Британиянинг Кембридж университети иштирокида Тошкент шаҳрида ташкил этилган ўқув-экспериментал Юқори технологиялар маркази 2017 йил 1 январига қадар барча солиқлардан ва бюджетдан ташқари жамғармаларга тўланадиган мажбурий ажратмалардан озод қилинган.

Фикримизча инновацион фаолиятни рағбатлантиришга доир самарали солиқ механизмини яратиш ва амалга киритиш учун саноати ривожланган мамлакатлар тажрибасига мурожаат этиш мақсадга мувофиқ.

Хусусан, Япония иқтисодиётининг инновацион ривожланиши илмий-тадқиқот ишлари ва ишланмаларнинг ишлаб чиқариш жараёни билан ўзаро интеграциялашуви жиҳати билан ажралиб туради. Эътиборлиси шундаки, ушбу мамлакат компаниялари жаҳон иқтисодий инқироз таъсирини четлаб ўтиш учун илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишланмалари (ИТТКИ)га инвестицияларни йўналтиришни жадаллаштириш чораларини кўрмоқдалар. Бунда эса ИТТКИга харажатларнинг ортишига бевосита солиқ имтиёзлари таъсир кўрсатмоқда.

Инновациялар соҳасида жаҳонда етакчи ўринни эгаллаган Япония инновацион ривожланишни рағбатлантиришда қуйидаги солиқ механизмларидан фойдаланмоқда[5]:

- илмий-тадқиқот ускуналарига жадаллаштирилган амортизацияни қўллаш имконияти;
- инновацион ишланмаларга доир харажатлар бўйича солиқ чегирмалари;
- хорижий технологияларни харид қилиш харажатлари бўйича солиқ имтиёзлари;
- илмий-тадқиқот харажатларига доир солиқ имтиёзлари.

Жаҳон амалиётида биргаликда илмий-тадқиқот фаолиятни амалга ошириш учун олий таълим ва ишлаб чиқариш компаниялари билан ўзаро инновацион ҳамкорликни ривожлантириш мақсадида алоҳида солиқ имтиёзлари мавжуд. Масалан, АҚШда компаниялар томонидан университет ёки ноижорат илмий-тадқиқот ташкилотларига тадқиқот ишланмаларини яратиш учун фойдаланишга берилган асбоб-ускуналарга мол-мулк солиғи солинмайди.

Европа қитъасининг айрим давлатларида интеллектуал мулк объектлари (патент, номоддий актив) эгалари (муаллифлари) бўлган юридик шахсларнинг

ушбу мулкый даромадларига корпорация солиғи бўйича имтиёзли ставкаси қўлланилади. Масалан, Голландияда корпорация солиғининг базавий ставкаси 20-25 фоизни ташкил этса, корхоналарнинг интеллектуал мулк объектларидан олинган даромадлари 5 фоизлик имтиёзли ставкада солиққа тортилади (қаранг жадвал 2).

2-жадвал

Европанинг айрим давлатларида инновацион фаолият натижаларидан олинган даромадларга қўлланиладиган корпорация солиғининг имтиёзли ставкалари[6].


Давлат номи	Корпорация солиғининг базавий ставкаси	Инновацион фаолият натижаларидан олинган даромадларга қўлланиладиган имтиёзли ставка
1	2	3
Белгия	34 %	6,8 %
Франция	33,33 %	15 %
Венгрия	16 %	8 %
Голландия	20 – 25 %	5 %
Люксембург	28,8 %	5,76 %
Испания	30 %	15 %
Буюк Британия	20 – 26 %	10 %
Ўзбекистон	15,5 %*	мавжуд эмас

***фойда ҳамда ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиқларининг умумий ставкаси.**

Кўплаб ривожланган мамлакатларда корхона ва ташкилотларнинг солиқ солинадиган фойдасини аниқлашда илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишланмаларига қилинган харажатлар жами даромад хажмидан чегириб ташланади, шу билан бирга инновацион фаолиятни янада рағбатлантириш мақсадида солиқ тўловчиларга қўшимча равишда махсус солиқ чегирмалари ҳам жорий қилинган. Масалан, Малайзияда маҳаллий ишлаб чиқарувчи корхоналарга солиққа тортиладиган фойдани қўшимча равишда яна 100 фоиз (хаммаси бўлиб 200 %) миқдорда ИТТКИга сарфланган харажатларни чегириш ҳуқуқи берилган. Ўзбекистонда бундай солиқ чегирманинг меъёри солиқ солинадиган фойданинг 30 фоизини ташкил қилади (қаранг расм 2).

Бундан ташқари, Францияда ёш инновацион компаниялар фаолият юритаётган бўлиб, бундай тоифадаги солиқ тўловчилар қаторига ташкил этилганлигига 8 йиллик муддат ўтмаган ва харажатларнинг камида 15 фоизини илмий-тадқиқот йўналишларига сарфлайдиган кичик бизнес субъектлари киради. Бундай корхоналар ҳар йили солиқларни тўлашдан озод қилинади, илмий-тадқиқот ва тажриба конструкторлик ишларига жалб қилинган ишчи-ходимларнинг меҳнат ҳақи даромадларига эса солиқ солинмайди. Ушбу имтиёз тури ўз навбатида талабалар ва олий таълим

муассаларида илмий-тадқиқот ишларини олиб бораётган изланувчиларнинг тадбиркорлик фаолиятини рағбатлантирмоқда[7].



2-расм. Жаҳон мамлакатларида илмий-тадқиқот ва тажриба конструкторлик ишлари билан боғлиқ харажатларга бериладиган солиқ чегирмалари[8].

Хулоса ўрнида шуни айтиш жоизки, иқтисодиёти ривожланган мамлакатларда инновацион фаолиятни рағбатлантирувчи солиқ механизмлари етарлича жорий этилган бўлиб, улар бевосита иқтисодий ўсиш суръатларига самарали таъсир кўрсатмоқда. Ўзбекистон шароитида буни ўрганадиган бўлсак, фикримизча, инновацион фаолиятни рағбатлантиришга қаратилган солиқ механизмлари етарлича ишлаб чиқилмаган ва улар доимий тусга эга эмас, бугунги кунда фуқароларга ва хўжалик субъектларига берилаётган солиқ имтиёзлари уларнинг интеллектуал ва инновацион фаоллигини рағбатлантираётгани йўқ.

Халқаро тажриба ва республикамизнинг иқтисодий сиёсатининг устувор йўналишларидан келиб чиқиб, миллий солиқ қонунчилигида инновацион фаолиятни рағбатлантирувчи қуйидаги солиқ механизмларини жорий этишни таклиф қилган бўлар эдик:

– бир йўла муайян тармоқ ёки соҳа корхона ва ташкилотларини бутунлай солиқ тўлашдан озод қилиш амалиётидан воз кечиш, бунинг эвазига айнан уларнинг инновацион фаолиятини рағбатлантирувчи солиқ механизмларини жорий этиш;

– ишлаб чиқаришни модернизация қилувчи, маҳаллийлаштириш дастури доирасида маҳсулот ишлаб чиқарувчи корхоналарга ва эркин

иқтисодий зона иштирокчиларига берилган солиқ имтиёзлари натижасида иқтисод қилинган маблағларнинг камида 50 фоизини мажбурий равишда илмий-тадқиқот ва тажриба конструкторлик ишларини молиялаштиришга йўналтириш шартини жорий этиш;

– саноат соҳасидаги ишлаб чиқарувчи корхоналарга инновацион фаолиятга йўналтирилган харажатлар улушига қараб, фойда ва мол-мулк солиқлари, ягона солиқ тўлови бўйича пасайтирилган (имтиёзли) солиқ ставкаларини қўллаш;

– кичик тадбиркорлик субъектларига ягона солиқ тўловини ҳисоблашда инновацион фаолиятга йўналтирилган суммаларни солиқ солинадиган базадан чегириб ташлаш имкониятини яратиш;

– иқтисодий субъектларда ташкил қилинган модернизация ва янги технологиялар жамғармаси ёки Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитаси томонидан ишлаб чиқиладиган фундаментал, илмий-амалий ва инновацион дастурлар доирасида грант кўринишда ажратиладиган маблағлар ҳисобидан илмий-тадқиқот ва инновацион фаолият билан шуғулланувчи ишчи-ҳодимларга тўланаётган меҳнат ҳақи суммаларига солиқ солмаслик ёки минимал ставкада солиққа тортиш тартибини жорий қилиш.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Тошматов Ш.А. Корхоналар иқтисодий фаоллигини оширишда солиқлар ролини кучайтириш муаммолари. Иқтисод фанлари доктори илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация автореферати. Т: - 2008. 38-бет.

2. Шумпетер Й. Теория экономического развития. М.1982.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 15 июлдаги “Инновацион лойиҳалар ва технологияларни ишлаб чиқаришга татбиқ этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-916-сонли қарори.

4. Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси. “Адолат” нашриёти, 2014

5. Tax incentives for innovation in the Netherlands in 2014, Page 7 of 10.

6. Леонтьев Л.И. Опыт стимулирования инновационной деятельности за рубежом [Текст] / Л.И.Леонтьев // Инновации. – 2003. - №4 с. 87

7. Инновационная система Франции // Журнал «Инновационные тренды» - М.: 2001, №11.

8. 2014 Global Survey of R&D Tax Incentives. Deloitte. March 2014.